

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2019 йил
28 август
ЧОРШАНБА
№ 68 (13225)

@haqiqatonline

Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 23 август кунини халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишлаб махсус видеоселектор йиғилиши ўтказилганидан хабарингиз бор. Таъбир жоиз бўлса, жуда катта та-

рихий аҳамиятга эга бўлган мазкур йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган долзарб фикр-мулоҳазалар ҳар бир юртдошимизни тўлқинлантириб, жонажон Ўзбекистонимизнинг янги тарихини яратиш йўлида олиб борилаётган оламшумул ишларга дахлдорлик туйғуларини алангалатиб юборди, десак муболаға бўлмайди.

МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

биз учун буюк умуммиллий мақсадга,
умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур

Аввало, қайд этиш зарурки, давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб, юртимизда креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш, шу мақсадда таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Президентимиз йиғилишда мактаб таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, бу борада олдимизда турган долзарб ва-

зифалар ҳақида фикр юритар экан, улуғ маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Беҳбудийнинг "Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир" деган фикрини алоҳида таъкидлаб, бу масаланинг моҳияти ва аҳамиятига алоҳида тўхталди.

Шу маънода, кунини кеча вилоят ҳокимлигида Президентимизнинг видеоселектор мажлисида белгилаб берилган вазифалар ижросига бағишлаб вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов раҳбарлигида ўтказилган йиғилишда асосий эътибор барча бўғиндаги масъул раҳбарлардан тортиб, мактаб



ўқитувчилари, ота-оналар – бутун жамиятда умуммиллий мақсад, умумхалқ ҳаракатига айланиши лозим бўлган мактаб таълимини ривожлантириш бўйича бошланган эзгу ташаббус ва амалий ҳаракатларни кенг тарғиб қилиш, бу ишларга виждон

амри билан ёндошиши лозимлигига қаратилгани ҳам бежиз эмас. Вилоятда мавжуд умумтаълим мактабларида 2017 йилда ўқувчилар 0,94 коэффицентда ўқитилган бўлса, 10-11-синф ўқувчиларининг қамраб олиниши натижасида, бу

кўрсаткич 2018 йилда 1,1 коэффицентни ташкил этган эди. Жорий йилда 1,17 коэффицентда ўқитилиши кутилмоқда.

Вилоятдаги 49 та муассасада Инвестиция дастури доирасида, 24 та муассасада "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида ва 39 та муассасада муҳтарам Президентимиз томонидан вилоятга ажратилган қўшимча 200

млрд. сўм маблағлар ҳисобидан йирик ҳажмда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда.

Давоми 2-бетда ➡

Суратлар «Тошкент ҳақиқати» фотожамланмасидан олинди

«МУСТАҚИЛЛИК КАРВОНИ» ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Хабарингиз бор, айни кунларда вилоятимизнинг Зангиота, Тошкент, Охангарон туманларида Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги муносабати билан "Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" шiori доирасида "Мустақиллик карвони" тарғибот акцияси ўтказилди.

Шукух

Ундан қўзланган асосий мақсад ёшларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, уларни гоёвий ва ахборот хуружларидан асраш, шунингдек, мустақиллик йилларида турли соҳаларда амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, ёшларни Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида бирлаштиришдан иборат.

Ушбу акциянинг наватдигиси Паркент туманида бўлиб ўтди. Акция доирасида ўзининг ижодий фаолияти билан халқимиз орасида катта обрў-эътибор қозongan театр ва кино актёрлари, шоир ва ёзувчилар, спортчилар, мумтоз ва эстрада хонандлари "Биз севган қаҳрамонлар", "Спорт, жисмоний тарбия – соғлом келажак пойдевори", "Бугуннинг мавзуси", "Мўйқаламда акс этган Ватаним!", "Муваффақиятга эришиш сирлари" каби мавзуларда ёшлар билан мулоқот уюштирилди.

Тадбир сўнггида "Мустақиллик карвони" номи гала-концерт намойиш этилди. Бундай тадбирлар вилоятимизнинг барча ҳудудларида давом этади.

БЕБАҲО НЕЪМАТ

Энг улуғ ва энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллигига ҳам санокли кунлар қолди. Шу муносабат билан ташкилотлар, истироҳат боғлари, маҳаллалар, таълим масканларида байрам тадбирлари ўтказилмоқда.

Хусусан, вилоятимиздаги касб-хунар коллежларида ҳам "Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" шiori остида маънавий-маърифий кечалар, турли танловлар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Жумладан, ўқувчи-ёшларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш ва билимларини синовда ўтказиш мақсадида "Ягонасан, муқаддас Ватан!", "Энг улуғ, энг азиз", "Ранглар жилосида – она диёр", "Ватан учун яшайлик!" каби анъанавий кўрик-танловлар бўлиб ўтди.

Кези келганда шунини айтиш кераки, касб-хунар таълими муассасаларида ўтган ўқув йилида "Ватанпарварлик ҳафталиклари"нинг ўтказилгани, дарслар давлат мадҳиясини жўр бўлиб қўйлаш билан бошлангани ўқувчиларнинг давлат рамзларига ҳурмати, Ватан олдидаги фарзандлик бурчини тўлақонли англашида яхши сабоқ бўлмоқда.

Давоми 2-бетда ➡

Қибрай тумани: БЕҚИЁС ИМКОНиятлар, ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР МАНЗИЛИ



Мирзозам МИРҚОСИМОВ,
туман ҳокими:

Ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз мустақиллиги ҳар бир юртдошимиз учун кенг имкониятлар эшикларини очди. Ўн йил, йигирма йилни қўверинг, юртимизга икки-уч йил нари-берисида келиб кетган киши ҳам ундаги ўзгаришлардан лол қолмоқда.

Мустақиллик ўз юртини обод ва озод кўриш истагидаги одамларга катта куч, шижоат ва матонат берди. Бу ҳиссиёт кундан-кун чирой очаётган Қибрай тумани

ни жамолида бугун яққол зоҳир бўлиб турибди.

Ўтган йигирма саккиз йил давомида Қибрай тумани ҳам, унинг одамлари ҳам мутлақо ўзгарди. Аммо, бу янгиланишларга осонликча эришилгани йўқ.

Қалби ҳавосидек тоза, беғубор инсонлар яшайдиган бу маскан бугун чиндан ҳам беқиёс имкониятлар, эзгу ташаббуслар рўёби юз очаётган манзилга айланган.



Жонажон Ватанимиз мустақил тараққиёт йўлини бошлаганига 28 йил тўлмоқда. Истиқлол халқимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, кадр-қиммати аниқлаб, муносиб ҳаёт кечириш, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш имкониятини берди.

Мамлакатимиз мустақиллиги байрамини нишонлаш арафасида босиб ўтилган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаш, эришган натижаларни ҳолисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг онги ва шуурига етказиш мақсадга мувофиқлигини дилдан ҳис қилаёмиш.

Дарҳақиқат, истиқлол туфайли ўзлгимизни англадик. Озод халқ, мустақил давлат сифатида жонажон Ўзбекистонимизнинг бор буй-бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намойиш қилиш имкониятидан туманимиз ахли ҳам фойдаланаётгани барчамизни янада гурурлантиради.

"Мустақиллик" ва "ислохот" тушунчаларига муштарак сўз сифатида қарашимиз керак, назаримда. Сабаби, туманимизда мустақиллик йилларида олиб

борилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар билан бирга қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфатларини рўёбга чиқариш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг баъзи ҳудудларида бўлгани каби туман иқтисодиётида маъмурий-бўй-руқбозликка асосланган бошқарув тизимидан воз кечиляпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати учун қулай йўл очиб берилган халқимизнинг яшаш сифати даражаси ошишига замин бўлмоқда.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили бугунги кунда жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб бораётганини ҳар

томонлама ҳисобга олишни, шу асосда давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича стратегик ёндашув ва тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо этмоқда.

Шу сабабли, туманимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласига энг устувор вазифа сифатида қараб келинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг қарорлари-га асосан туманимизда ижтимоий ҳамда инфраструктура объектлари бўйича 682,7 миллиард сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилиши белгиланди.



ҚИСКА САТРАЛДАРДА

ҳудуди – 559,8 км².
аҳолиси – 186 минг 800 киши.

- Туманда **88 та** маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд.
- **5 та** касб-хунар коллежи, **48 та** умумий ўрта таълим мактаби, **59 та** мактабгача таълим муассасаси фаолият юритади.
- **12 та** тиббиёт муассасаси аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.
- **3 минг 706** гектар ердаги боғ-роғлардан баракали ҳосил олинмоқда.
- Зотдор қорамоллар учун **3 минг 904** гектар ерда озуқабоп экинлар экилган.
- Жорий йилда **2 минг 698** гектар ерга ғалла экилиб, ўртача **61 центнердан** ҳосил олинди.

Давоми 4-бетда ➡

Бугунги кунда вилоятда халқ таълими бошқармаси тизимида 894 та таълим муассасаси фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг 869 таси мактаб (шу жумладан, 6 таси махсус мактаб ва 5 таси мактаб интернатлар), 2 таси "Меҳрибонлик уйи", 23 таси "Баркамол авлод" болалар марказларидир. Уларда 478 минг нафардан ортиқ ўқувчи 31,5 минг нафар педагог таълим-тарбия бермоқда.

Барча кўриб-билиб турибди, мамлакатимизда педагог ходимлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича ҳам тарихий қадамлар ташланди. Охириги 3 йилда ўқитувчиларнинг иш ҳақи ўртача 2,5 баробар оширилди. Узоқ туманларга бориб ишлаётган педагог кадрлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича аниқ мезонлар белгиланди. Натижада, уларга 50 фоизгача қўшимча ойлик устамалар тўланмоқда. Нафақа ёшида фаолиятини давом эттираётган ўқитувчиларга пенсияси бошқа соҳа вакиллари орасида биринчилардан бўлиб тўлиқ миқдорда тўлана бошлангани ҳам кўпчилиكنинг ёдида.

Ҳақиқатан ҳам, жаҳондаги ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ис-

Бошланғич 1-бетда

МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

биз учун буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур

лохотлар, аввало, таълим тизимидан, боғча, мактаб, уму-ман, тарбия масаласидан бошланганини кўрамиз. Чунки, мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди. Таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори бу – мактаб. Мактабни мактаб қиладиган куч эса ўқитувчилардир.

Видеоселектор мажлисида "Хурмати муаллимларимиз, жонқуяр мактаб директорларини, соҳа фахрийларини эл-юртимизнинг таянчи ва суянчи, деб биламиз, – деди Президентимиз. – Мактаблар тизимини ривожлантириш

учун бундан буён ҳам маблағини, имкониятни асло аямай-миз. Келажак авлодимиз тақдири, бутун миллатимиз, халқимиз, давлатимиз тақдири мўҳтарам муаллимларга боғлиқ...

Давлатимиз раҳбари ўқитувчининг мақоми ва нуфузини ошириш, ҳуқуқлари ва имтиёзларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эъти-

риш, таълим сифатини ошириш бўйича билдирган фикрлари ва берилган топшириқларнинг ижросини сўзсиз бажариш, мактабларни янги ўқув йилига сифатли тайёрлаш, янги ўқув йилида вилоят ҳокими ва унинг барча ўринбосарлари, сектор раҳбарларининг ҳар бирини мактабларга бириктириш ва улар томонидан мунтазам фаолият

кўрсатаётган соҳалари ва ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб очик дарслар, маҳорат сабоқларини ўтказилишини тизимли ташкил этиш, мазкур жараёнларга қуруқ ҳисобот ё кампаниябозлик учун эмас, чин дилдан, катта самимият билан ёндашиш барчанинг виждон иши экани алоҳида таъкидланди.

"Жамиятда ўқитувчининг



мавқеини кўтариш ишига ҳар бир юртдошимиз масъул эканлигини теран англаб, қўлимизга илк бор қалам тутган, "она", "нон" деган муқаддас сўзларни ёзишни ўргатган устозларимизга ҳурмат, эҳтиром кўрсатишни доимий ҳаракатга айлантиришни, мўҳтарам Президентимиз давлат қилганларидек, энг аввало, ўзимиздан бошласак, бу борада ўзимиз бошқаларга ибрат ва намуна бўла олсак, бу эзгу ишни умуммиллий мақсад ва умумий ҳаракатга айлантирсак, эртанги кунимизнинг муносиб давомчиларини тарбиялашга муносиб ҳисса қўшган бўламиз", деди вилоят раҳбари Рустам Холматов.

Ишончимиз комил, бу борада бошланган ислохотларнинг барчаси изчил давом эттирилади. Лекин бу – масаланинг бир томони. Зотан, жуда ўринли қайд этилганидек, ўқитувчи ва мураббийларнинг ўзлари ҳам билим ва касб маҳоратини ошириши, жамоат ишларида фаол иштирок этиши, ҳалол меҳнати ва ташаббускорлиги билан бу касбнинг обрўсини юксалтиришлари керак.

Азамат КАМАЛОВ,
"Ўзбекистон белгиси" кўрак
нишони соҳиби

БЕБАҲО НЕЪМАТ

Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш, уларда коррупцияга нисбатан муросасизлик ҳиссини шакллантириш, давлат ва жамият тараққиёти кушандасининг салбий оқибатларини чуқур англаш мақсадида республикамиздаги барча касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида "Биз – ёшлар юртимизга хизмат қилишда виждонли, инсофли ва ҳалол бўлишимиз шарт" шиори остида "Коррупция – адолат кушандаси" мавзuida иншолар танлови ўтказилди. Унда вилоятимизнинг 33 минг нафардан ортиқ коллеж битирувчиси қатнашганини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим.



Бундан ташқари, коллежларда "Мустақиллик дарслари"ни юқори савияда ўтказиш учун маҳкали мутахассислар ва ижтимоий фан ўқитувчилари жалб этилди. Улар навқирон авлодга истиқлолнинг аҳамияти ва кадр-қиммати ҳақида маълумотлар беришди.

Бошланаётган янги ўқув йилида ҳам ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган ишлар қўламини янада кенгайтирилади. Хусусан, ёшлар онгига Мустақилликнинг нақадар улғў неъмат экани, Ватанни севиш, унга сидқидилдан хизмат қилиш, шу юрт фарзанди эканидан фахрланиш туйғуларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш юзасидан вазифалар белгилана олинди.

С. ХАМРОҚУЛОВА,
вилоят касб-хунар
таълими бошқармаси
маънавий бўлими
раҳбари

ҚУЧОҚ ОЧИБ, ХАЛҚ ИЧИГА БОРАЙЛИК!

Очиқ мулоқот

Бўстонлиқлик Олмаҳон Ашурова яшаш жойи бўйича доимий рўйхатда турмаганлиги учун фарзандини мактабга жойлаштириш ва боласига туғилганлик ҳақида гувоҳнома олиш борасида қийинчиликларга учраётгани. Бундан ташқари, "прописка" ва яшаётган уйига эгалик ҳуқуқини берувчи гувоҳнома масаласи ҳам унинг ҳаловатини ўғирлаганди. Нима қиларини билмай юрган ўша кезларда қўшниларида эртага биринчи сектор штабига қатор соҳа мутасаддилари аҳоли билан очик мулоқот ўтказиши ҳақида эшитиб қолди. Мазкур хабар аёлга умид бағишлади.

У эрта тонгдан тadbир бўладиган бино томон ошиқди. Манзилга етиб келганида зал одамларга тўла эди. Мутасаддилар одамларни бирма-бир қабул қилиб, дардини диққат билан тинглашаётганини кўрди. Навбати келган ўзини қийнаётган масалалар юзасидан мурожаат қилди. Унинг барча муаммоси ўрганилиб, масъуллар томонидан жойида ҳал этилди. Муаммолари бунчалик тез ечим топишини кутмаган аёл кўзларида севинч ёшлари билан барчага миннатдорчилик билдирди.

– Фарзандим қачон мактабга бораман, деганда тайинли жавоб беролмасдим, – дейди биз билан суҳбатда Олмаҳон Ашурова. – Ўғлимга яқинда мактабга боришини айтганимда қанчалик хурсанд бўлишини тасаввур қилаяпман. Биз учун яна бир қувончли хабар – "про-

писка"га қўйиш ва уйимизнинг кадастр ҳужжатларини тайёрлашда ҳам амалий ёрдам беришларини айтишди. Бугун худди елкамдан оғир юк ағдарилгандек бўлди. Бунинг учун шундай тартибни жорий қилган Президентимиз ва барча мутасадди раҳбарларга катта раҳмат.

Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан Бўстонлиқ туманидаги Думалоқ қишлоғида ўтказилган "Аҳоли билан мулоқот: муаммо, ечим ва самара" мавзuidaги очик мулоқотда Олмаҳон Ашурова сингари кўплаб инсонларнинг муаммоларига ечим изланди.

Таъкидланганидек, Президентимиз томонидан илгари сурилган "Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, айнан бугун кўриши керак" деган эзгу ғоя мамлака-

тимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни ҳаракатлантирувчи қучга айланди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 17 январда қабул қилинган "Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Мазкур қабулда прокуратура, ички ишлар, солиқ, банк, соғлиқни сақлаш каби 20 дан ортиқ ташкилот вакиллари иштирок этишди. Шу кунни аҳолидан турли масалалар юзасидан 50 дан ортиқ мурожаат келиб тушди. Мурожаатлар-

тимой муҳитни ўрганиш, аҳоли муаммоларини ҳал қилиш, депутатлик назоратини ўрнатиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

– Партияимизнинг сайловолди дастурида ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли қатламлари, жумладан, хотин-қизлар, ёшлар ва ногиронлиги бор шахслар учун меҳр-мурувват кўрсатиш, уларнинг муаммоларига ечим топиш ҳамда иш ўринлари яратиш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланган, – дейди ХДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Хурийд Маманазаров. – Бугун-



нинг барчаси диққат билан тингиланб, чуқур ўрганилди. Бунинг натижасида, 20 га яқин муаммо ўша жойнинг ўзида ижобий ечим топди. Қолган мурожаатлар бўйича ҳуқуқий турғунчалар берилиб, тегишли ташкилотларга йўналтирилди. Шунингдек, худудлардаги иж-

ги тadbир ҳам шу мақсадда ташкил этилди. Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, мазкур мулоқот ҳеч ким эътибордан четда эмаслигини яна бир бор намойён этди.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири

Вилоят бўйлаб янги бино, янги шароит



Давлатимиз мустақиллигининг 28 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда Зағиота тумани судининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Тантанали тadbирда Ўзбе-

кистон Республикаси Олий суди раиси К. Комилов, Судьялар Олий кенгаши раиси У. Мингбоев, вилоят ва туман сектор раҳбарлари, суд раислари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Янги бинода замонавий талабларга мувофиқ келувчи суд заллари, маслаҳатхона, адвокат ва прокурор хонаси, бинога келувчилар учун кутубхона ва кутуш зали ўрин олган.

БОЛАЖОНЛАРГА ТУҲФА

Истиқлол байрами арафасида Пискент туманида давлат-хусусий шерикчилик асосида янги мактабгача таълим муассасаси ишга туширилди.

"Митан" маҳалла фуқа-

ролар йўғини худудда тadbиркор Х. Гуломхонов томонидан ташкил этилган муассаса 50 ўринга мўлжалланган бўлиб, машгулотлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилади.

ТАСАННО, ФЕРМЕРЛАР!

Энг улғў, энг азиз айём олдида Бўка тумани чорвадор фермерлари ибрат олса арзигулик эҳсон қилишди. Саховатпеша фермерлар томонидан худуддаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилабга байрам туҳфаси сифатида 14 та

қорамол тарқатилди. – Турмуш ўртоғим вафот этгач, уч фарзанд тарбияси зиммамда қолди. Инъом этилган қорамол оиламга барака олиб киришига ишонаман, – дейди "Маданият" маҳалласида яшовчи М. Гаффорова.

ЁШЛАР ТАШАББУСЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши қошидаги Ёшлар тadbиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази томонидан германиялик мутахассислар билан ҳамкорликда "Пул, бюджет ва жамғариш" мавзuida бизнес семинар ташкил этилди.

Мазкур семинарда

"Yoshlar – kelajagimiz" жамғармасининг Тошкент вилоятидаги барча туман (шаҳар) филиаллари мутахассислари, вилоятда ўз бизнесини бошлаш истагида бўлган ёшлар ҳамда бизнес тренерлар қатнашиб, мавзу юзасидан ҳоризонлиқ мутахассислар билан фикр алмашдилар.

Совғаларни клуб бош директори Мухтор Қурбонов топширди.

ФАОЛЛИК ЭЪТИРОФИ



Осиё чемпионатида юқори ўринни қўлга кирит-

АРТУР ГУЛИЕВ ЗАФАР ҚУЧДИ

Венгриянинг Тсегед шаҳрида давом этаётган байдарка ва канозда эшак эшиш бўйича Жаҳон чемпионатининг 200 метр масофага кечган финал беллашувида ўзбекистонлик спортчилар учинчи ўринни эгаллашди.

Нурафшонлик Артур Гулиев ҳамда фарғоналик Элёржон Мамадалиев маркази учинчи ўринни бўлиб кесиб ўтишди ва бронза медал билан тақдирланди. Йигитларга ушбу масофани босиб ўтиш учун 36,42 сония кифоя қилди.

Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати
хабарлари асосида тайёрланди

«ОҚ ВА ҚОРА»НИ ТАНИЁТГАН БОЛАЛАР

Эътибор

Бўстонлиқ туманида Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги муносабати билан шахмат бўйича "Ҳоким кубоги" турнири ўтказилди. Вилоят шахмат федерацияси ва туман ҳокимлиги ҳамкорликда ўтказган мусобақада болалар ва фахрий шахматчилар иштирок этишди.

Тadbирда сўз олганлар сўнгги йилларда юртимизда ақл гимнастикаси бўлимиш шахматни ривожлантириш ҳамда ёшларни бу спорт турига бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган қўламли ишлар ҳақида тўхталдилар. Бунинг самараси ўларок, спортчиларимиз халқаро чемпионатларда ғолибликни қўлга киритиб, Ватанимиз байроғини юқорига кўтаришаётгани алоҳида таъкидланди.

Мазкур мусобақада Бўстонлиқ ва Қибрай туманлари, Янгийўл, Бекобод, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда пойтахтдан келган шахмат усталари ёш тоифаларига бўлинган ҳолда дона суришди. Беллашувлар қизиқарли ва кескин курашларга бой тарзда ўтди. Ҳар бир қатнашчи биринчи бўлиш учун бор маҳоратини ишга солиди.



Якуний натижаларга кўра, 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган қизлар орасидаги бахсларда биринчи ўринни ангрелик Соҳиба Абдуғаниева қўлга киритди. Иккинчи ўрин Чирчиқдан келган Мадина Норхоновага насиб қилди, бекободлик М. Ҳасанова эса учинчи бўлди.

6-11 ёшли ўғил болалар ўртасида Отабек Абдусатторовга тенг келадигани топилмади. Беҳруз Абдувоҳидов иккинчи погонани эгаллади. Кучли учликни Дилшод Юлдашев яқунлаб берди.

– Бундай мусобақаларни ўтказишдан мақсад чекка

худудларда ҳам шахматни кенг оммалаштиришдан иборат, – дейди вилоят шахмат федерацияси раҳбари Рискиддин Эсанбоев. – Мана шу болаларимиз келгусида бу сеҳрли ўйнинг сирларини чуқур эгаллаб, етук мутахассислар бўлишади. Улар орасидан жаҳон чемпионлари этишиб чиқишига ишонамиз.

Тadbир сўнггида ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, бир неча фахрий шахматчилар ҳам ташкилотчилар томонидан тақдирланишди.

Ўз мухбиримиз

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Тошкент вилояти транспорт бошқармаси, Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясининг 2019 йил 22 августдаги 2-сонли баённомаси қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 сентябрдаги "Шаҳарда ва шаҳар атрофига қатнайидиган йўловчи ташиш транспорти хизматларининг тарифлари тўғрисида"ги 455-сонли қарорига асосан, Тошкент вилояти йўловчи ташиш транспорти корхоналарининг шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичи) йўналишларида йўловчи ташишдан зарар кўриб фаолият олиб боришларининг олдини олиш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, йўловчи ташиш транспорти самарадорлигини ошириш мақсадида ёқилғимойлаш материаллари ва эҳтиёт қисмлари таннархининг ҳамда бошқа харажатларнинг ошганлиги муносабати билан Тошкент вилояти шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичи) йўналишларида қатнайидиган йўловчи ташувчи транспорт хизматлари тарифларини қуйидаги миқдорда:

1. Шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичи) автобус йўналишларида 1 йўловчи километр учун – 115 сўмдан 130 сўмгача ҳамда ушбу йўналишларда 8,0 км. гача бўлган масофа учун йўлқира ҳақи ҳар бир йўловчи учун 1000 сўм миқдориди;

Бу йўналишларда ташишга рухсат этилган ҳар бир юк ўрни учун – 1000 сўм;

2. Шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичи) йўналиши такси йўналишларида 1 йўловчи километр учун – 135 сўмдан 150 сўмгача ҳамда ушбу йўналишларда 10,0 км. гача бўлган масофа учун йўлқира ҳақи ҳар бир йўловчи учун 1 минг 500 сўм миқдориди;

3. Тошкент вилоятининг турли худудларидан Тошкент шаҳрига кириб келувчи шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичи) йўналишларида, Тошкент шаҳри ичида ҳаракатланганда йўлқира ҳақи миқдори Тошкент шаҳри ичи йўналишлари бўйича белгиланган тариф асосида белгиланганлигини маълум қилади.

Мазкур қарор расмий эълон қилингандан сўнг ўн беш кундан кейин амалга киритилиши инобатга олинсин.

Атаматов Гайрат Руфатович номига Шайхонтоҳур тумани, Маннон Уйғур кўчаси, 300а-уйга тегишли ТУАА-0036563 рақамли тураржой биносига 2019 йил 23 майда берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Ўзметкомбинат" АЖ касаба уюшма қўмитаси



азиз ҳамюртларимизни Ватанимиз

Мустақиллигининг 28 йиллиги

билан самимий табриклайди.

Ватанимиз равнақи йўлидаги бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари кўзларимизни қувонтирмоқда. Ана шундай эзгу мақсадлар йўлидаги меҳнатингиз унумли ва баракали бўлсин.

Хонадонингиздан файзу тароват, тўкин-сочинлик аримасин.

*Истиқлол айёми барчамизга муборак бўлсин,
оловқалб металлурглар!*

**Тошкент вилояти
«СУВОҚОВА» ДУК**

жамоаси

барча юртдошларимизни

Мустақиллигимизнинг

28 йиллиги

билан табриклайди!

**Байрам хонадонларимизга шодлик,
қувонч ва бахт олиб кирсин.**

**Дастурхонларимиздан
файз-барака аримасин!**

**Ҳурматли ҳамюртлар ва
соҳа ходимлари!**

Сизларни халқимиз

учун энг улуғ, энг азий айём —

Мустақиллигимизнинг

28 йиллиги

билан чин қалбдан

муборакбод этамиз.

*Юртимизни тинчлик ва
фаровонлик тарк этмасин.*

**«Тошкентвилоятгаз» филиали
жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси**

Дастур асосида марказлашган манбалар ҳисобидан 7 та ижтимоий соҳа объекти капитал ва жорий таъмирланмоқда. Булар халқ таълими бўлимига қарашли 3 та (4-, 11-, 3-мактаблар), мактабгача таълим муассасалари бўлимига қарашли 3 та (3-, 6-, 20-боғчалар), тиббиёт бирлашмаси-

якунларига кўра, 13 та лойиҳа доирасида 16,1 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестициялар ўзлаштирилди. Масалан, Хитой давлати инвестициялари иштирокидаги "Vilga Tashkent" МЧЖ томонидан Дўрмон қишлоғида импорт ўрнини босувчи мебель ишлаб чиқариш ташкил

1,8 миллиони киритилди. Лойиҳа якунида 150 та иш ўрни яратилади. Шунингдек, "Seok tae global" ХК МЧЖ томонидан гольф майдончасини ташкил этишга Жанубий Кореянинг 2 миллион АҚШ долларилик инвестицияси йўналтирилди. Ҳозирча 50 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ келиб тушди. Лойиҳа тўлиқ ишга тушса, 80 нафар киши иш билан таъминланади.

Туманимизда "Xebbi agro" МЧЖ томонидан лойиҳалаштирилган замонавий ёнғоқзорлар барпо этилиши боғдорчилик маданиятини янада



миқдоридаги хориж сармояси тўлиқ ўзлаштирилди. Шунингдек, "Etalon food company" МЧЖ томонидан омихта ем маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида 1 миллион 150 минг АҚШ доллари миқдорида Қозоғистон Республи-

та янги иш ўринлари ташкил этиш ниятида. Жорий йилнинг 6 ойлик якуни билан қиймати 208,1 миллиард сўм (шундан 112,6 миллиард сўм ташаббускор маблағи, 19,4 миллиард сўм банк кредитлари, 9,1 миллион АҚШ долларилик хори-

ҚОРОВУЛДАН ЧИҚҚАН БИЗНЕСМЕН

Гоҳида ишимиз юришмай қолса, бунинг сабабларини бировлардан қидирамиз. Фарзандларимиз тарбиясига бепарқ бўлганимиз ҳолда унинг қундалигига "икки" баҳо тушса, ўқитувчисини айблаймиз. Рўзгорда қийинчиликлар пайдо бўлса, айбдорлар рўйхати янаям узаяди. Қизиги, бу рўйхатда ўзимиз бўлмаймиз. Лоқайдлигимиз, бепарволигимиз туфайли шундай ҳолат юзага келгани, ҳаммаси ўзимизга боғлиқлиги ҳаёлимизга келмайди.

□ Мустақиллик менинг тақдиримда

Шу ўринда бир ҳаётий воқеага тўхталиб ўтсам. Яқинда узоқ вилоятга сафарга борадиган бўлиб қолдим. Ҳамроҳлар билан суҳбатлашиб кетдик. Машинанинг олд ўриндиғида ўтирган одам анча башанг кийинган эди. Бир қарашда уни катта амалдор дейиш мумкин. Ҳамма қатори мен ҳам уни қаерда ишлаши билан қизикдим. У эса ўз ҳикоясини бошлади:

"Илгариги замонда оғир ишга бўйин бермай мактабда, гаражда қоровул, озгина вақт дўкон сотувчисига ёрдамчи бўлиб ишладим. Мустақилликнинг бошида дўконлар молсиз қолгач, ишдан кетдим. Ўшандан сўнг мен ва оилам учун оғир кунлар бошланди. Бирор ҳунарни бошини тутмаганимга жуда афсусландим.

Қўшим катта амалдор эди. Бир куни у: "Ғиштдан девор кўтариб берадиган танишларинг йўқми", деб сўраб қолди. Яхшигина пул беришини айтди. Ўйлаб ўтирмай, бу ишни бажаришни ўз зиммамга олдим. Укаларим билан астойдил ишга киришдик. Қурилишни муддатидан олдин тугатдик. Ишимиз ёқди шекилли, тез орада миҳозлар мени сўраб кела бошлади. Қурилиш билан шуғилланишни бошладим. Ғишт терувчи кичкина жамоа тuzиб, шу ишни барча сирларини ўргандим. Шу тарика тез орада маҳалла-қўйда таниқли устага айландим. Мен бу даражага эришиш учун ўн йил вақт сарфладим. Бу давр ичида ўзимнинг очилмаган имкониятларини қайта кашф этдим.

Қишлоғимизнинг ўша даврдаги аҳолини эслайман. У пайтларда ҳали колхоз бор эди. Қишлоқ ҳўжалигида ишлайдиган ҳамқишлоқларим бир йилда бор-йўғи бир-икки мартаба ойлик олишарди ёки йўқ. Биров бошқа ишни бошини тутай демасди. Ҳар куни идора эшиғи олдида тўп-тўп бўлиб, кассирни куттишарди.

Ҳозир қишлоғимиз бутунлай ўзгарган. Одамларнинг дунёқараши ҳам шунга яраша. Олдинги колхоз ўрнида 20 та фермер ҳўжалиги ташкил топган. Бу – 20 нафар қишлоқ мулкдори дегани. Кўпчилиги тажрибали тадбиркорга айланган. Бири ошхона очган, яна бири маиший хизмат уйи, бири эса ўз маблағи эвазига қишлоқ гузариди катта маросимлар саройи ёки супермаркет қуриб, халққа хизмат қилмоқда.

Фермер бўлмаганлар эса ўз ҳовлисига иссиқхона ташкил қилишган. Улар бир қарич ердан миллион-миллион даромад олишмоқда. Бунинг эвазига қаҳратон қишда ҳам аҳоли дастурхони тўкин-сочин. Қисқаси, энди қишлоқдошларимиз орасида бекорчилар йўқ".

Ҳамроҳимиз Қибрай туманидаги "Оққовоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилар экан. У шўро даврини ҳам, мустақилликка эришган Ўзбекистоннинг янги даврини ҳам кўрган, замон ўзгаришига ғувоҳ бўлган бир киши сифатида яқин ўтмиш хотираларини ҳозирги кунлар билан таққослади. Мен унинг сўзларини қозғоғга туширдим. Журналист эканлигимни билгач, исм-шарифини ёзмаслигимни илтимос қилди. Аммо, уни амалдорга ўхшатиб адашмаган эканман. Ҳамроҳим ҳозирда тумандаги катта фирманинг раҳбари экан...

Қибрай тумани:

БЕҚИЁС ИМКОНИЯТЛАР, ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР МАНЗИЛИ



жий инвестиция) бўлган 27 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, 235 нафар тумандошимиз иш билан таъминланди.

Айтиш керакки, ҳар бир лойиҳанинг паспорти, тармоқ жадвали ва "Йўл харитаси" ишлаб чиқилган ва тумандаги тўрттала сектор раҳбарлари томонидан тасдиқланиб, ижроси юзасидан доимий на-

зорат ўрнатилган.

Бундан ташқари, манзилли рўйхатга киритилган лойиҳалар билан чекланиб қолмасдан, янги инвесторларга қулай шартлар яратиш орқали уларни туман иқтисодиётини ривожлантиришга фаол жалб қилиш бўйича режа ишлаб чиқилган. Айниқса, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувлар устида иш олиб бораёғимиз.

Инвестицион лойиҳаларни танлашда энг биринчи навбатда, тўғридан-тўғри сармоя киритадиган, қўшилган қийматли тайёр, экспортбон маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи лойиҳаларга кенг йўл берилмоқда. Бундай лойиҳаларни иложи борича аҳоли зич жойлашган ва ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган ҳудудларга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

этилди. Лойиҳа доирасида тўғридан-тўғри жами 1 миллион доллар миқдорида сармоя (хорижий ускуналар) ўзлаштирилди. Шунингдек, Туркия давлати инвестициялари иштирокидаги "BarEr textile co.Ltd" компаниясининг жами 56 миллион АҚШ долларилик тўғридан-тўғри сармояси иштирокида Мудофаа вазирлиги учун йилгига бир миллион комплект (шундан 50 фоизи экспортбон) униформа ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида 9 миллион 100 минг АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестициялар ўзлаштирилди.

Голландия инвестициялари иштирокидаги "Organik green food" МЧЖ томонидан гидропоника усулида замонавий ойнали иссиқхона ташкил этиш учун жалб қилинган 2 миллион АҚШ долларилик хорижий инвестициянинг

юқори чўққига кўтарди. Бунинг учун 300 минг АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестиция маблағлари тўлиқ ўзлаштирилди. Айни дамда бу ерда 58 киши ишлаётти.

қаси инвестициялари ўзлаштирилиши соҳада залворли қадам бўлди.

Шу билан бир қаторда, "Қибрай туманини 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривож-

"ОБОД ҚИШЛОҚ" ВА "ОБОД МАҲАЛЛА" ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИ ДОИРАСИДА:

- Дастурга 1 минг 505 та аҳоли хонадонлари қамраб олинди.
- 13 км. пиедалар йўлаклари, 90 км. ирригация тармоқлари, 6 км. электр кабели тортилди. 3 донга трансформатор мукамал таъмирланди. 30 донга таянч кўча ёритиш устунлари ўрнатилди.
- 3000 кв.м. гулзор ташкил этилди.
- 25 км. мелиорация объектлари, 14 км. ирригация объектлари, 3 донга сугориш қудуқлари таъмирланиб, 11,5 км. электр узатиш, 6 донга чиқиндиҳона қурилиб, ишга туширилди.
- 32,5 км. ички кўчалар, 3 км. пиеда йўлаклари таъмирланди.

Туманда чорвачилик ривожига ҳам катта эътибор қаратяёғимиз. "Said bilol agro" МЧЖ томонидан сут маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳаси доирасида 101 минг АҚШ доллари

лантириш дастурига асосан жами қиймати 1 триллион 261,2 миллиард сўмлик ва 74,2 миллион АҚШ долларилик хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобига 3 минг 111

«МЕН ВАТАНГА НИМА БЕРДИМ?»

□ Интилиш



– Қабулимизга ҳар куни турли хил одамлар келади, – дейди Қибрай тумани ҳокими ўринбосари Ҳусан Бекмуродов. – Айрим кишилар ишлашга, меҳ-

нат қилишга бўйни ёр бермай, нуқул нолишади. Ахир, бугун тадбиркорлик қиламан, ишлайман деганга барча имкониятлар яратилганку! Ҳаракат қилса, барака келади-да...

Бир ёш йигитни биламан. Дастлаб ишни авто-сервисда машина баллонларини ямашдан бошлаган эди. Ҳозирда туманимизнинг етакчи тадбиркор-мулкдорларидан бирига айланган Хайрулла ўрмоновни ҳамма танийди. У кўз ўнгимизда тириш-қоклиги, меҳнатсеварлиги билан элга танилди. Ўзи туғилиб ўсган "Аргин" маҳалласида ҳам обрўи баланд.

Хайрулла ёш бўлишига қарамай, замонавий автосервис очиб, етти нафар

йигитни иш билан таъминлади. Яъни, уларнинг рўзғори бут бўлишига ҳисса қўшмоқда. Яқинда тадбиркорлигини янада ривожлантириш учун унга банк кредити ажратилишига ёрдам бердик. Бундай ёшлар туманимиз келажаги. Улар мустақиллик билан бирга воғга етаётган бахтли инсонлар.

Дарҳақиқат, бугун "Мен Ватанга нима бердим?", деб яшаш даври келди. Бу баландпарвоз гап эмас. Японларда бир фикр шаклланган экан. Улар: "Мен нима қилиб бўлса-да, ўз Ватаним учун бир миллион доллар фойда келтиришим керак?" деган мақсад билан яшаб экан. Эҳтимол, Япония дунёда иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторида бўлишига шу гоа сабабчидир?

Бугун юртимиздаги ҳар бир фуқаро ана шу қондани дастуриламал қилиб, мамлакатимиз раванқига ўз ҳиссасини қўйиши лозим.

БУНДА ЧЕМПИОНЛАР ТОПМОҚДА КАМОЛ...

Очиғи, ҳар гал халқаро мусобақаларда бош совринни қўлга кириштириб, шоҳсупага кўтарилган ёшларимизни кўрганда, ҳеч нарса мамлакатни спорт каби дунёга танита олмағилигига имон келтирамиз.

□ Ҳавас

Бугунги кунда туманда 257 та спорт иншооти, ҳусусан, 2 та стадион, 4 та бассейн, 42 та спорт зали, 185 та спорт майдончаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда 32 мингдан зиёд ёшлар, шу жумладан, 13 минг 200 нафар қизлар жисмоний тарбия ва спорт

билан мунтазам шуғулланишмоқда.

Жорий йилнинг олти ойида туманда 252 та спорт мусобақаси ташкил этилиб, уларда 50 мингга яқин ёш спортчилар қамраб олинган таҳсинга сазовор.

Туман спортчилари жорий йилнинг биринчи ярми-

да Ўзбекистон чемпионати ва кубок мусобақаларида 58 та олтин, 40 та кумуш ва 60 та бронза медални қўлга кириштирди. Шунингдек, халқаро турнирлардан 1 та олтин, 3 та кумуш, 7 та бронза медали билан қайтишди. Қибрайликлар ўз фарзандларининг спортда эришаётган салмоқли ютуқлари билан ҳақли равишда фахрлансалар арзийди.

Рустам БОЙНАЗАРОВ, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи

Саҳифани "Тошкент ҳақиқати" муҳбирлари Маъмуржон ҚИЁМОВ ва Мансур ҲИММАТОВ (суратлар) тайёрлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ Манзилимиз: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90. Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.	Телефонлар: (71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс) (71) 233-70-10 (71) 233-90-82 (71) 233-38-23, (71) 233-48-08 (71) 233-65-59, (71) 233-54-10 Қабулхона: Бош муҳаррир ўринбосари: Масъул котиб: Бўлим муҳаррирлари: Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими: Электрон почта: th-tp@inbox.ru	Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририят компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. Навбатчи муҳаррир Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА Назоратчи мусоҳҳиҳ Аллома АЗИЗОВА Навбатчи Мансур ҲИММАТОВ Буюртма Г-844. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 3 480 нусхада чоп этилди. ISSN 2010-9318. "ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.00.
--	---	---	---